



Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Яхшиям
САБР дўконда
сотилмайди. Агар
сотилса, ҳозирги
кунда уни
қайтимга қўшиб
беришарди

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 27-aprel, seshanba, 49 (23.485)-son

«Президент ташрифидан сўнг»

Самарқандни ривожлантиришнинг аниқ режалари тузилди

Давлатимиз раҳбари Самарқандга ташрифи чоғида, 16 апрель куни вилоят фаоллари билан ўтказилган учрашувда берган топшириққа кўра, Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар жорий йилда вилоятда амалга оширилаётган ишлар юзасидан аҳолига муурожаат қилди.



Жамшид ҚҶҶҚОРОВ,
Бош вазир ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири:

миқдориди имтиёзли кредит, 298 нафар фуқарога Бандлик жамғармасидан 1 миллиард сўм субсидия ажратилди. 3828 нафар фуқарога асбоб-ускуналар берилди ва 798 хонадонга 8 мингта товук тарқатилди. Шунингдек, аниқ фаолиятга ихтисослашган 58 та маҳалла аниқланиб, ихтисослашув йўналишларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Маҳаллабай ишлаш тизими бўйича Паст Даргом туманини 3 худудга бўлиб, "драйвер" йўналишлари белгиланди.

Вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда 5 та асосий драйверларга асосан кичик саноат зоналари сони кескин оширилди, йирик индустриал иссиқхоналар ташкил этилади, хизмат кўрсатиш, йўл бўйи инфратузилмаси яхшиланади, туризм, саноатда энергия таъминоти ва транспорт-логистикаси ривожлантирилади.

Вилоятда аҳоли зич жойлашган ва муҳандислик-коммуникация тизимига улашиш қулай бўлган 210 гектар бўш ер майдонида 88 та кичик саноат зонаси ва 412 гектар майдонда 5 та саноат зонаси (Паст Даргом, Тойлок, Жомбой, Самарқанд ва Ургут туманлари) ташкил этилади.

– Ҳисоб-китобларга кўра, 2021 йилда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти 48,7 триллион сўмга етиб, вилоят иқтисодиёти 6 фоизга ўсиши кутилмоқда. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 20,2 триллион сўм, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 35 триллион сўм, хизматлар ҳажми 18,5 триллион сўм бўлиши режалаштирилган.

Вилоятда "драйвер" йўналишларида 17 минг 825 та лойиҳа аниқланди. Ва, бу лойиҳалар ҳисобига 32 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, 368 та маҳаллада хизмат кўрсатиш, 260 тасида кичик ишлаб чиқариш, 235 тасида чорвачилик, 217 тасида иссиқхона, 125 тасида паррандачилик, 60 тасида асаларчилик, 50 тасида хўнаранчилик каби йўналишларда лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Шу кунга қадар 2416 та тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди, 5287 нафар фуқарога 134 миллиард сўм

Шухрат ҒАНИЕВ,
Бош вазир ўринбосари,
аграр ва озиқ-овқат масалалари комплекси раҳбари:



– Президентимизнинг топшириқларига асосан, Самарқандда 2021 йилда умумий қиймати 4,7 триллион сўмлик 2869 та озиқ-овқат лойиҳаси амалга оширилди. Мазкур лойиҳалар доирасида 336 мингта янги иш ўрни яратилди.

Жумладан, Жомбой, Булунгур, Тойлок ва Самарқанд туманларида сабзавот, полиз, дуккакли, мойли экинлар уруғларига ихтисослашган 4 та элита уруғчилик хўжаликлари ташкил этилади ва уларга 50 гектардан жами 200 гектар ер ажратилди.

Булунгур, Жомбой, Самарқанд, Тойлок ва Ургут туманларида 750 гектар майдонда 75 та элита, R-1 ва R-2 авлодди сабзавот уруғчиликлари етказиб бериш, Каттакўрғон, Пайарик, Нуробод ва Қўшработ туманларида 150 гектар майдонда 15 та уруғчилик фермер хўжаликларидида полиз уруғчилиги ташкил этилади.

Йил якунигача сабзавот, полиз, мойли ва дуккакли экинлар уруғларини саралаш, қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича қиймати 1 миллион долларлик 2 та мобил трейлер олиб келинади. Натижада, уруғчилик хўжаликларида йилига 115 тонна сабзавот, полиз, дуккакли, мойли экинлар ҳамда 12 тонна полиз уруғлари етиштирилиб, сертифициланган уруғчилик "Uzbek seeds" бренди асосида фермер хўжаликлари ва аҳолига арзон нархда етказиб берилди.

Озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича қиймати 1231 миллиард сўм инвестиция ҳисобидан қуввати 658 минг тонналик 108 та озиқ-овқат саноат лойиҳаси амалга оширилади ва 20 мингта иш ўрни яратилди.

Жомбой туманида Осие тараққиёт банки ва Франциянинг "Rangis Semptaris" компанияси билан ҳамкорликда 56 миллион доллар сарфланиб, 492 минг тонна қувватдаги йирик агро-логистика маркази ташкил этилади.

"Эриелл" компанияси томонидан Самарқанд ва Булунгур туманларида етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларини қабул қилиш ва янги "Карго" тизими орқали экспортни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан ирригация-мелиорация йўналишида "Булунгур сув омбори" қурилиши давом эттирилиб, келгуси йилдан 35 минг гектар ер майдонларининг сув таъминоти яхшиланади. 7,6 миллиард сўмлик жами 15,5 километр узунликдаги реконструкция қилинади ҳамда жами 372 гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Вилоят ўрмон хўжаликлари томонидан 700 гектар фойдаланилмаётган ер майдони тўлиқ ўзлаштирилади. Вилоят ўрмон фонди ерларида ташриф ва қарорлар доирасида 1477 гектар майдонда иклим ва туПРОҚ шароитига мос 802 гектарда pista, 210 гектар бодом, 85 гектар ёнғоқ, 200 гектар павловния, 180 гектар майдонда терак плантациялари барпо этилади.



СУД РАИСЛАРИНИНГ АЙТИШИЧА...

Вилоят суди ва маъмурий ишлар бўйича вилоят ҳамда туманлараро судларнинг жорий йил биринчи чоракдаги фаолияти юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

Вилоят суди раиси О.Ҳайитовнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида вилоят, туман ва шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 1239 нафар шахсга нисбатан 997 та жиноят ишлари кўриб тамомланган. Шундан 737 та иш бўйича 947 нафар шахсга нисбатан ҳукм чиқарилди. 287 нафар шахсга нисбатан 256 та ишлар тугатилди.

Кўриб тамомланган ишларда айбланган шахсларнинг 109 нафарини аёллар (шундан 18 нафари муқаддам судланган) ҳамда 787 нафарини эркаклар (шундан 175 нафари муқаддам судланган) ташкил этади.

Судланганларнинг 209 нафарига озодликдан маҳрум қилиш, 327 нафарига озодликдан чеклаш, 259 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди. 93 нафар шахс суд залида қамоқдан озод қилинди.

Шу даврда вилоят судларининг барча инстанцияларида 3 та жиноят иши бўйича 5 нафар шахс оқланди. 251 та жиноят иши тарафларнинг ярашганликлари муносабати билан тугатилиб, 280 на-

фар шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Жиноят ишларини судда кўришда кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар кенгаши вакилларининг жамоат ҳимоячиси сифатида иштироки таъминланиб, маҳалла фуқаролар йиғинлари кафилиги асосида 57 нафар ва ёшлар ишлари агентлиги кафилиги асосида 9 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Ҳисобот даврида судларга маъмурий ишлар бўйича 13 минг 147 нафар шахсга нисбатан 9990 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар биринчи инстанцияга келиб тушган. Кўриб тамомланган 5514 та маъмурий ишлар бўйича 6597 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарор чиқарилди.

– Йилнинг биринчи чорагида фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати ва туманлараро, туман (шаҳар) судлари биринчи инстанциясида 7758 та фуқаролик ишлари кўрилди. Шундан, 5862 та даъво қаноатлантирилди, 1118 та даъво рад қилинди, 505 та ариза кўрмасдан қолдирилди, 273 та иш юритишдан тугатилди, – деди О.Ҳайитов. – Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати ҳамда шаҳар, туманлараро иқтисодий судлари томонидан эса 2258 та иш мазмунан кўрилиб ҳал этилди. Хусусан, 2015 та даъво

қаноатлантирилди, 164 таси рад қилинди, 48 та ариза кўрмасдан қолдирилди, 31 та иш юритишдан тугатилди. Иқтисодий судлар томонидан кўриб ҳал этилиб, даъвоси қаноатлантирилган ишлар бўйича даъвогар (аризачи)лар фойдасига 109 миллиард 723 миллион сўм ундириш ҳақида суд ҳужжатлари қабул қилинди.

Маъмурий ишлар бўйича Самарқанд вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи Р.Очиловнинг қайд этишича, вилоят ҳамда туманлараро маъмурий судлари томонидан биринчи чорак давомида оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган 306 та маъмурий ишлар кўриб, тамомланган. Бу ишларнинг 99 таси қаноатлантирилиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари тикланди. 165 та иш рад этилди, 16 таси иш юритишдан тугатилди, 26 таси кўрмасдан қолдирилди.

Кўриб тамомланган ишларнинг 209 таси маҳаллий ҳокимликларга оид бўлди ва уларнинг 34 таси қаноатлантирилди. 22 таси Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига оид бўлиб, бу ишларнинг 18 таси қаноатлантирилди.

Матбуот анжуманида вилоят судининг жиноят, фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари раислари ҳам ўтган даврда кассация инстанциясида қўрилган ишлар ҳақида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумот берди.

«Самарқанд туманига пресс-тур»

Самарқанд туманида 290,6 гектар иссиқхона хўжаликлари мавжуд бўлиб, 27 гектари Корея, 4 гектари Хитой, 2 гектари Туркия услубидаги ва қолгани маҳаллий услубдаги иссиқхоналарни ташкил этади.

Ғалла майдонлари ўрнида сабзавот экинлари

Туманга уюштирилган пресс-турда журналист ва блогерларга Корея ва Туркия технологиялари асосида ташкил этилган иссиқхоналар таништирилди. "Ихтиёр қурилиш сервис" МЧЖга қарашли 2 гектарли иссиқхонада Корея технологияси асосида барпо этилган бўлиб, 2018 йилдан иш бошлаган. Унда 33 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда.

Иссиқхонада деярли барча ишлар техника асосида бошқарилади. Ернинг намлигига қараб кўчатлар автоматик тарзда томчилатиб сугорилади. Помидорлар гидропоника усулида етиштирилади.

– Помидор кўчатларини октябрь ойида экканмиз, – деди туркиялик агроном Аран Кая. – Ўзбекистон қуёшли ўлка бўлгани билан айрим ерлари шўр, алмашлаб экиш ишлари яхши эмаслиги туфайли унумдорлик кам. Шу сабабли, иссиқхонадан йилига 200-250 тонна помидор оляпмиз. Туркиянинг ерлари унумдор, у ерда худди шундай майдонда бундан кўп ҳосил олинади. Самарқандга уч йиллик шартнома асосида келганман.

"Грин Агро Тред" МЧЖга қарашли 3 гектарлик иссиқхона эса Туркия технологияси асосида барпо этилган.

– Иссиқхонамиз 2020 йилда ишга тушди, – деди "Грин Агро Тред" МЧЖ директори Соли Раҳимов. – Помидор уруғларини Туркиядан келтириб экяпмиз. Утган йили 5 тонна ҳосил олдик. Бу йил кузда қуёшли кунлар кам бўлгани сабабли ҳосилимиз ўтган йилгидан камроқ бўлади. Кўчатларга ёруғлик керак, булутли кунларда ёруғлик берадиган чироқлардан фойдаланиш лозим. Аммо бундай чироқлар жуда қimmatлиги сабабли ҳозирча фақат қуёш нуридан фойдаланяпмиз.

Иссиқхонада етиштирилаётган помидорлар чет элга ва маҳаллий бозорларга чиқарилади.

Пресс-тур давомида тумандаги "Stekloplastik" МЧЖ фаолияти билан ҳам танишдик. Ушбу корхона 1982 йилда ташкил топган бўлиб, дастлаб қайиқсозлик заводи бўлган. Бугунги кунда завод тиббиёт, спорт соҳасида, шунингдек, мактаблар учун стол-стул, парта каби 600 дан ортқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Бугундан Самарқанд шахридаги боғчалар, мактаблар, касб-ҳунар мактаблари, коллеж ҳамда техникумлар ёпилди

Самарқанддаги мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида коронавирус инфекциясини юқтириб олиш ҳолатлари қўллаб қузатилаётгани, инфекцияни юқтириб олиш кўрсаткичи кейинги кунларда бир неча баробар ошиб бораётгани бос Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузурдаги эпидемияга қарши кураш фақулдада комиссиясининг қарори тасдиқланди. Унга кўра, шаҳардаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида 14 кунлик карантин жорий этилди. Вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш



бошқармаси ахборот хизматининг хабар беришича, бугундан эътиборан шаҳардаги касб-ҳунар мактаби, коллеж ҳамда техникумлар ҳам масофавий таълимга ўтказилади. Ўқувчиларга онлайн таълим бериш тизими йўлга қўйилади.

Муассасаларга кириб-чиқувчилар орасида карантин даврида коронавирусни юқтириб олиш ҳолатлари кузатилмаса, таълим бериш тизими яна анъанавий йўлга қўйилади.

Индаллосини айтганда...

Оқил САЛИМОВ,
академик:

– Дунё ўзгарапти, маънавий-ахлоқий таназзул Ер шарини қамраб олмақда. Инсоний қалби хувиллаб қоляпти. Бу сайёравий фожиадан изтироб чеккан БМТ Бош котиби Антонио Гуттериш «XXI асрнинг буюк фожияси шундаки, инсоният кадрлардан узоқлашмоқда», деган эди. Инсон кўп ҳолларда робот шаклидаги ҳисси, туйғусиз, қалби хувиллаган тирик мавжудотга айланмоқда. Бу бизни дунёга келтирган, бу ёруғ оламни яшнатиш, яшартириш, ҳаёт деган ғоят жозибадор ва гўзал имконият мазмунини бойитишни орзу қилган онани унутишга олиб келмоқда. Ваҳоланки, она буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар, бетакорор гўзалликлар, хайратомуз нафосат иждоқларини дунёга келтиради. У инсонийликни асраш, ривожлантириш, камолотга етказиш орқали кишилик ҳаётининг буюк халоскори эканини унутмоқдамиз.



- Жияним ўртоғи билан жанжаллашиб, ҳозир тергов бeryапти. Унга "қасддан баданга оғир шикаст етказиш" айби қўйилди, дейишди. Мазкур жиноят учун белгиланган жазо ҳақида маълумот берсангиз. Азиза АЛЛАНАЗАРОВА, Самарқанд шахри.



Оғир шикаст етказган қамаладимми?

- Жабранувчининг баданига қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли жисмоний зарар етказиб, танасининг анатомик бутунлигини ёки аъзоларидан бирининг физиологик функциясини бузиш баданга шикаст етказиш, дейилади. Жиноят кодексига даражасига қараб, қасддан баданга оғир, ўртача оғир, енгил шикаст етказиш, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш, зарурий муҳофаза чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ижтимоий хавфли қилиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан шикаст етказиш

(104-109-моддалар) бўйича алоҳида жавобгарлик кўзда тутилган. Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирон аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг 33 фоиздан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуқлашишига сабаб бўлган шикаст етказиш қасддан баданга оғир шикаст етказиш саналади ва айбдор 5 йилдан 8 йилгача муддатга озод-

ликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар мазкур жиноят ўта шафқатсизлик билан, оммавий тартибсизликлар жараёнида, таъмағирлик ниятида, безорилик оқиба-да, миллатлараро ёки ирқий адоват, диний таассублар замирида, киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган бўлса 8 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Абдиҳаким ОЛТИБОВЕВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди раиси ўринбосари.

Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов

Ўзбекистон халқи оғир жудолукка учради. Атоқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг аъзоси, "Нуроний" жамғармасининг Самарқанд вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Ҳасан Нормуродов шу йил 24 апрель куни 82 ёшида вафот этди. Ҳасан Нормуродов 1939 йил 16 ноябрь куни Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, Каттақўрғон педагогика билим юрти ва Самарқанд давлат университетиде тахсил олди. Хизмат фаолиятини ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси лавозимида бошлаб, кўп йиллар давомида Самарқанд вилоятининг турли шаҳар ва туманларида ишлади. Жумладан, Каттақўрғон шахри, Жомбой, Нарпай туманларида раҳбарлик лавозимларида, Самарқанд вилояти партия кўмитасининг котиби сифатида самарали фаолият кўрсатди.



халқ оқсоқоли сифатида ҳамisha эл-юртинг дарду ташвишлари билан ашида. Айниқса, кекса авлод вакиллари, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб шaroит яратиш, азиз ёшларимизни миллий ва умуминсоний кадритялар руҳида тарбиялаш, уларнинг келажак-гини таъминлаш йўлида чинакам фидойилик кўрсатиб, сидқидилдан хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси сифатида мустақил-лигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда парламентаризм тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз учун зарур бўлган муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишига катта ҳисса қўшди.

Ҳасан Нормуродовнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб тақдирланди. У "Дўст-лик", "Меҳнат шухрати", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон билан мукофотланган эди. Халқимизнинг улуг фарзанди, атоқ-ли давлат ва жамоат арбоби, самимий ва фидойи инсон Ҳасан Нормуродовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.МИРЗИЁЕВ, Т.НОРБОВЕВА, Н.ИСМОИЛОВ, А.РИПОВ, Э.ТУРДИМОВ, С.ТУРДИЕВ

Ғалла майдонлари ўрнида сабзавот экинлари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Бундан ташқари, заводда "MAN" автобуслари учун 70 тур, "СамАвто" автобуслари учун 19 турдаги деталлар тайёрланади. Завод ўтган йили 42 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Бу йил 60 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Туманда "Гулбод агрологистика маркази" бўлиб, у ерда озиқ-овқат маҳсулотларининг улгуржи савдо бозори ташкил этилган. Журналист ва блогерлар пресс-тур давомида ушбу бозор фаолияти билан танишди.

Бу ердаги озиқ-овқат маҳсулотлари нафақат ўзимизга, балки Ургут, Тойлоқ, Булунғур туманларига ҳам олиб кетилади, - деди туман ҳокими Носир Мавлонов. - Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарёдан келтирилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ушбу бозордан бошқа жойларга тарқатилади. Бозор ташкил этилганига атиги 4 ой бўлди. Бу ердаги ҳар томонлама қулай шароит туфайли бозорда бугун-

ги кунда тадбиркорлар сони 500 дан ошиб кетди. Келажакда бозор кенгайтирилиб, супермаркет, гипермаркет ташкил этилади.

Олдимизда катта режалар турибди. Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи давомида вилоят фаоллари билан бўлиб ўтган йиғилишда 2022 йилдан Самарқанд туманидаги ғалла майдонлари ўрнига сабзавот экинлари экиш топшириғи берилди. 2 минг гектардан ортиқ ерда сабзавот экилади ва маҳсулот биринчи навбатда Россия бозорига экспорт қилинади. Шунингдек, туманда маҳсулот етказиб бериш хизмати билан шуғулланадиган компания ташкил этилади.

Маълумот учун шунини айтиш керакки, туманда жорий йилда 57 та экспортёр корхона томонидан 14 328,0 минг АҚШ доллари миқдорига экспорт амалга оширилди. Яна 896,1 гектар боғ, 372 гектар майдонда тоқзор, 2950 тонна совуқтичли сифимга эга 5 та музлаткичли омбор, 16 та иссиқхона барпо этилади.

Х.ЭРНАЗАРОВА.

Самарқанд давлат тиббиёт институтига Россия, Беларусь, Қозоғистон, Украина, Тожикистон, Қирғизистон Республикалари юртимизнинг қатор олий тиббий даргоҳлари ва институтларининг ўқитувчи ҳамда талабалари иштирокида "Стоматологияда эстетик реставрациялаш маҳорати" мавзусида халқаро олимпиада ўтказилди.

СамДТИ халқаро олимпиадага мезбонлик қилди

180 нафар иштирокчи қатнашган олимпиаданинг очилиш маросимида Япониянинг Токай марказий шифохонаси директори, Саратов давлат тиббиёт университети, Приволжск тадқиқот тиббиёт университети, Тожикистон давлат тиббиёт университети ректорлари, республикамиздаги олий ўқув юртлири, илмий марказлар раҳбарлари иштирок этди.

Офлайн ва онлайн ташкил этилган тадбирда ҳар бир иштирокчи тест топшириқлари, олдиндан белгиланган йўналишлар бўйича оғзаки тақдиротлари, амалий кўникмаларини намойиш этди.

Олимпиада дастури доирасида "Энг яхши тадқиқот иши" танлови ҳам ташкил этилиб, унда мамлакатимиз ва хорижий олийгоҳлардан 6 нафар талабанинг илмий-тадқиқот ишлари натижалари тингланган.

Якунга кўра, голиблар ва уларнинг устозлари ташкилотчилар томонидан махсус диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

БОЛАЛАР ҲУҚУҚИ ВА МАНФААТИ



АУТСОРСЕРга қандай талаблар бор?

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, давлат мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш мақсадида аутсорсинг тизими жорий этилди. Дастлаб Тошкент шаҳрида тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ишлари эксперимент тарзида амалга оширилган бўлса, кейинчалик бу амалиёт вилоятларда ҳам жорий этилди.

Вилоят ҳокимининг 2018 йил 24 сентябрдаги "Самарқанд шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларида тажриба тариқасида аутсорсинг тизимини жорий қилиш тўғрисида"ги қарорига кўра, шаҳардаги давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болаларнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш мақсадида 2018 йил 1 ноябрдан Самарқанд ҳамда Каттақўрғон шаҳарларидаги барча

давлат мактабгача таълим муассасалари аутсорсинг тизимига ўтганди. Аутсорсинг тизими ташкил этилишининг асосий сабаби, болаларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш билан бирга, боғчада сифатли таълим-тарбия олишларини таъминлашдир, - дейди вилоят мактабгача таълим бошқармаси бўлим методисти Райҳона Асқорова. - Бунда болаларнинг соғлом овқатланиши тадбиркор томонидан ташкил этилса, мудири ва ҳамшира 10 кунлик таомнаманинг санитария меъёрларига мослигини назорат қилади. Боғча ходимларининг асосий эътибори болаларнинг таълим-тарбия олишига қаратилади. Агар тадбиркор томонидан болаларни овқатлантиришда санитария талаблари бузилса, боғча мудирига у билан шартномани бекор қилиши мумкин.

Бугунги кунда вилоятимизда ўндан ортиқ тадбиркор аутсорсер сифатида фаолият юритади. Улар имкониятига қараб, бири 10 дан ортиқ, бошқаси 30 дан ортиқ боғчага хизмат кўрсатади. Тизимнинг вилоятимизда ташкил этилганига уч йилдан ошди. Бизнингча, бу ўзини оқлапти.

Мазкур қарорда тадбиркор, боғча мудири, ҳамширанинг вазифалари, комиссия фаолияти, соғлом овқатланишни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар келтириб ўтилган.

Аутсорсинг тизимида мактабгача таълим ошхоналарининг вақтинча фойдаланиш ҳудудини тадбиркорга бериш мақсадида уч томонлама ижара шартномаси "Давлат мулкни ижарага бериш маркази" давлат унитар корхонаси, талабгор(тадбиркор)лар ва таълим муассасаси ўртасида тузилади.

Тадбиркор тарбияланувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ рационал овқатлантиришга алоҳида эътибор беради. У тарбияланувчиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, таомларнинг хавфсизлиги ва сифатига, озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомларни тайёрлашда ҳамда озиқ-овқат хомашёсини сақлашга, ташишда санитария қоидалари ва гигиена нормаларига қатъий риоя этишга масъул ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектлари мутахассислардан иборат махсус тузилган комиссия орқали танлаб олинади. Бунда асосий эътибор талабгорларнинг тегишли режаси, моддий-техник базасининг мавжудлиги ва замонавий талабларга жавоб бериши, таомлар тайёрлаш технологияси бўйича бошқа зарур мутахассислар билан таъминланганлигига, бўш айланма маблағларининг мавжудлигига қаратилади.

Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг соғлом овқатланишини ташкил этиш, болаларнинг соғлом ва баркамол ўсишини таъминлаш, соғлом овқатлантиришнинг замонавий усулларини жорий этиш ҳамда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида 2019 йилнинг 25 июлида Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳамда низоми қабул қилинди.

Йўлланма олишда ойлаб вақт сарфланадимми?

- Неварам 3 ёшга кирди. Давлат хизматлари марказига бориб, боғчага жойлаштириш учун навбатга қўйдим. Маълум бўлишича, боғчага йўлланма олиш учун 50 нафар бола навбатда турган экан. Мана олти ойдирки, навбат келгани йўқ. Давлат боғчаларида навбат қанча вақтда келади? Соҳиба ПЎЛАТОВА, Самарқанд шахри.

- Болаларни давлат мактабгача таълим ташкилотларига қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилади. Мазкур қарор бўйича электрон қабул қилиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишининг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилади.

навбат тизимида боғчага жойлашиш учун йўлланмалар боланинг ёшига мувофиқ автоматик равишда шаклланади. Мактабгача таълим ташкилотларида бўш ўринлар пайдо бўлиши билан йўлланмалар чиқади ва навбат ҳам шунга мувофиқ камайиб боради. Навбатнинг қачон келиши ана шу жараёнда, шунингдек, ташкилотнинг қўшимча гуруҳлар очиши ёки болаларнинг ташкилотдан кетиши билан боғлиқ.



Оилавий боғчаларга кредит ажратилмайди

- Оилавий боғча очмоқчиман. Туман мактабгача таълим бўлимига уйимизни жиҳозлаш ва таъмирлаш учун кредит сўраб борсам, кредит ажратилмаслигини айтиди. Оилавий боғча очмоқчи бўлган тадбиркорга қандай имтиёзлар бор? Нега уларга кредит ажратилмайди? Гўлшода СОМОНОВА, Пайариқ тумани.

Ушбу қарорларда оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти қуриш-жиҳозлаш учун кредит ажратиш белгиланмаган.

- Президентнинг 2018 йил 5 апрелдаги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги "Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари ҳамда Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолияти бўйича руҳсатнома бериш тартиби тўғрисида низоимларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорида оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти ташкил этиш тартиби белгиланган.

Шухрат ШАРИПОВ, давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва мониторинг бўлими бошлиғи.

Ушбу саҳифа материаллари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида тайёрланди.

Эзгу ишлар ҳеч қачон унутилмайди

Инсонлар бор, кўп умр кўради. Лекин кечир-ган умридан яхши хотира билан эсланадиган из қолмайди. Айрим инсонлар борки, бу ҳаётдан ўтиб кетсаларда, умри давомида қилган яхши ишлари, тарбиялаган фарзандлари туфайли доим эсланади.

Айниқса, яхши тарбия берган, ўқитган, жамиятга ҳалол хизмат қиладиган фарзандлари уларнинг умр чирогини ёқиб, ота-онасига доим раҳмат олиб келади. Айтишадикун, инсон қанча яшагани билан эмас, қандай яшагани билан қадри. Қўшработ туманининг Чинмос қишлоғида яшаган Шукур бобо ва Салха момолар ҳам ўзларидан яхши ва ибратли фарзандлар ва амаллар қолдиришган.

Шукур Шодмонов дехқон фарзанди, Шодмон бобо ва Маҳкам момо оиласидаги 4 фарзанднинг иккинчиси. У ёшлигидан билимга чанқоқ, илм-фанда бир олам ютуқларга эришишни орзу қилган йигитлардан эди. Аммо Иккинчи жаҳон уруши туфайли орзуларидан воз кечишга тўғри келди.

Авал Аҳмад акиси, сўнгра 1942 йил айни 21 ёшида Шукур Шодмонов ҳам урушга кетди. Унинг ортидан укалари Ермухаммад ва Исмаилов ҳам урушга қақирди. Афсуски, акиси урушда бедарак кетди, жангоҳлардан хасталаниб қайтган укалари эса бу дунёни эрта тарк этишди. Шукур Шодмонов фронтда катта жасоратлар кўрсатиб, Киев, Варшава, Будапешт шаҳарларини озод этишда қатнашди, душманни қувиб Берлинга борди.



Кўрсатган жасорати учун иккита "Қизил юлдуз" ордени ва бир неча медаллар билан тақдирланди.

1946 йилда урушдан қайтгач, кўп йиллар Самарқанд мева-консерва заводида майиз тайёрловчи, кейинчалик давлат дон нефть омборларида мудири, савдо ходими бўлиб ишлади. Салха онамиз билан ўн нафар фарзандни, урушда бедарак кетган Аҳмад акасининг ҳам болаларини тарбиялади. Отамиз ўзи ўқимаган бўлса-да, фарзандлари ўқишини, илми бўлишини истарди. Ўн тўрт ёшида фронт ортида оғир меҳнат билан улғайган онамиз билан фарзандларининг олий маълумотли бўлишига астойдил ҳаракат қилган. Тўғри тарбия кўрган фарзандлар отасининг орзусини амалга ошириб, фан номзоди, ҳисобчи, агроном, муаллим, иқтисодчи, ҳуқуқшунос ва бошқа соҳа эгалари бўлишди.

Чинмос қишлоғида яшовчи кекса авлод вакиллари ота-онамизни қўли очик, меҳмондўст кишилар бўлишган, деб эслашади. Доим уйдан меҳмон аримасди, кўп таниқли одамлар ҳам уйимизда тез-тез меҳмон бўлишарди. Чунки ўтган асрнинг 30-йилларидаги қатағон, оғир уруш йилларида оиламиз ўз фарзандларидан ортиб, бошқа оилалар, етим болалар бошини силаган, фарзандларидек меҳр кўрсатган. Бу йил отамизнинг таваллудига 100 йил тўлади. У киши бу дунёдан ўтган бўлса-да, қилган эзгу ишларини қишлоқдошлар ҳамон хотирлашади.

Хозир Шукур бобо ва "Қаҳрамон она" Салха момонинг 26 нафар набира, 29 нафар чевараси бор. Ота-онамизнинг тарбияси туфайли фарзанду набиралар улардек обрў-этибор топишга, одамлар қалбига меҳр-оқибат улашишга ҳаракат қилишмоқда.

Сайфиддин ШОДМОНОВ.

Турган гапки, умр китоблари турлича йўналиш, турли мазмунга эга. Унинг ҳар бир саҳифаси эл хизматига камарбасталик, ўз касбига садоқат ва ихлос рамзи билан тўлдирилган бўлса-чи? Бу катта бахт!

"Бўтам"ни эслаб...

"Каттақўрғон ҳақиқати" газетасида муҳаррир, вилоят "Зарафшон" газетасида бўлим мудири, республика "Адолат" газетасининг вилоятимиздаги муҳбири вазидаларида ҳалол, самарали хизмат қилган дўстимиз, ҳамкасбимиз, моҳир журналист Асқар Жалилов ана шундай бахтга сазовор бўлганлардан бири эди. У ҳаёт бўлганида бугун умрининг 75-баҳорига пешвоз чиқарди.

А.Жалилов ўз яқинлари, дўстларига "бўтам" дея мурожаат қилар, дўстлари ҳам уни "бўтам" дердилар самимийлик билан.

Асқар билан гурунгаримиздан бири ёдимда.

- Бўтам, одатда журналист ва кончилар меҳнатини бир-бирига қиёслашди. Бундан бир неча йил бурун ёштимол бу таққослаш бўлгандир. Хозир эса конларимизда ҳам инсон меҳнати замонавий, унумдор, қудратли машина-ускуналар енгиллаштиряпти, - дерди у. - Аммо журналист меҳнати енгиллашгани йўқ. Зеро, ўнлаб, юзлаб ахборот ичида энг керагини танаб ола билш, уларни таҳлил қилиш, газетхонларга ёқадиған тарзда газета саҳифаларига олиб чиқишни эплайдиган ускуна, компьютер ёки машина хозиргача яратилган эмас.

Журналист Асқар Жалиловнинг хабар, мақола, лавҳа, очерк, фельетон, ҳикоялари қамровининг кенглиги ва мавзу долзарблиги билан алоҳида ажра-

либ турарди. Шу боис, ижодкорнинг республика, вилоят, туман нашрларида ёритилган "Довруф", "Фахр" каби очерк-лари, "Олибсотар", "Кўролмаганининг кўзи чиқсин" сарлавҳали фельетонлари ёки "Етим", "Она", "Севаман деб", "Бу-рокраат" каби ўнлаб ҳикоялари хусусида илиқ фикрлар билдирилган.

Асқар Жалиловнинг журналистик фаолиятида ўзига хос жиҳатлар бор эди. Яъни, изланиш, талабчанлик, ташкилотчилик.

- Илк хабарларим Каттақўрғон шаҳар ва туман газетаси, "Зарафшон" саҳифаларида 7-8-синфларда ўқиб юрган кезларимда чиқа бошлаган эди, - дерди у. - Меҳнат фаолиятим эса шахримиздаги 13-ўрта мактабнинг 9-синфда ўқиб юрган пайтларимдан бошланган. Чунки ўша йиллари 13-мактабда ўқиб, кўшни 5-мактабда кашофлар ташкилотига етакчилик ҳам қилганман. Қисқа фурсат ўтиб, туман газетасига ишга олишди.

Қаламқашнинг камолотида устоз-лари, таниқли ва етуқ журналистлар Файзулла Нуруллаев, Тоҳир Каримов, Раҳимжон Сатторов, Латиф Эргашев, Файрат Шукуровларнинг катта хизматлари эътироф этилади.

А.Жалиловни 1983 йилда вилоят "Ленин йўли" (ҳозирги "Зарафшон") газетасига ишга тақлиф этишди. У уч йил давомида вилоят бош нашрида қишлоқ ҳўжалик бўлимига мудирилик қилди. Шу



йиллар давомида вилоят пахтакорлари, чорвадору боғбонлар, пиллачи-ю соҳибкорлар ҳаётдан лавҳа, очерклар битди, далиллари аниқ танқидий мақола-лари билан эътибор қозонди.

Тажрибали журналист 1986 йили туман ва шаҳар нашри "Зарафшон" (ҳозирги "Каттақўрғон ҳақиқати") газетасининг муҳаррирлигига тавсис этилди. Асқар Жалилов умрининг сўнгги кунларигача ўзи камол топган, қалами чарчланган газетода муҳаррирлик қилди. Унинг раҳбарлигида газета саҳифаларида одамларнинг тилидаги, дилидаги гапларни, муаммоларни олиб чиқишга ҳаракат қилинди. Газетхонларни баҳс-мунозаларга чорловчи қатор мақолалар ёритилди.

"Кечаги шоғирд - бугунги устоз" деганларидек, тажрибали журналист Асқар Жалилов ҳам кўпгаб қалам-кашларни камолот пиллапоялари сари руҳлантирган.

Асқар Жалилов турмуш ўртоғи Дилбар опа билан беш нафар фарзандни воёга етказди, уларни билимли, меҳнатсевар қилиб элга қўшди.

Бугун фарзандлар, дўстлар Асқар бўтамнинг руҳини шод этишаётир.
Абдуазиз ҲОШИМОВ.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbor / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

Т/р	Балансда сақловчининг номи	Майдон (кв.м.)	Фойдаланиш мақсади	Объект манзили
1	Паст Дарғом туман ХТБга қарашли 46-умумий ўрта таълим мактаби	30	Чакана савдо	Паст Дарғом тумани Ўрта чархин МФЙ
2	Паст Дарғом туман ХТБга қарашли 40-умумий ўрта таълим мактаби	40	Чакана савдо	Паст Дарғом тумани Синчи МФЙ
3	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	12,49	Турли хизмат (муҳр ва тамға ясаш)	Самарқанд шаҳри Амир Темури кўчаси, 152-уй
4	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	16,93	Турли хизмат (муҳр ва тамға ясаш)	Ургут тумани Алишер Навоий шохкўчаси
5	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	24	Турли хизмат (муҳр ва тамға ясаш)	Паст Дарғом тумани Нодирабегим кўчаси, 66-уй
6	Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармаси	18	Турли хизмат (муҳр ва тамға ясаш)	Каттақўрғон шаҳри Алишер Навоий кўчаси, 156-уй
7	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	8	Чакана савдо	Самарқанд шаҳри Лолазор кўчаси, 70-уй
8	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	108	Енгил автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	Самарқанд шаҳри Лолазор кўчаси, 70-уй
9	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	104,81	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
10	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	104,81	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
11	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	104,81	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
12	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	15,68	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
13	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	31,36	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
14	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	20,83	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
15	Жомбой туман ХТБга қарашли 35-умумий ўрта таълим мактаби	20,83	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	Жомбой тумани Кўкғумбаз МФЙ
	Жами	660,55		

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Спитамен шохкўчаси, 157-“А” уй. Тел/факс: 66-233-23-52.

"УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ" ДАН САВДО ДЎКОНЛАРИ ИЖАРАГА БЕРИЛАДИ!

Ургут тумани Мерганча маҳалласида жойлашган "УРГУТ САВДО КОМПЛЕКСИ" МЧЖ худудининг 17-18-19-20-секторларида жойлашган 305 та савдо дўконлари ҳозирги кунда бўш турганиги сабабли тадбиркорларга савдо фаолияти билан шуғулланлари учун имтиёз асосида, қулай нархларда ижарага берилишини маълум қиламиз.

Мурожаат учун телефонлар: 99-578-73-77, 66-483-44-72.

Манзил: Самарқанд вилояти Ургут тумани, Мерганча маҳалласи. "Ургут Савдо Комплекси" МЧЖ маъмурияти.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2020 йил 3 июлда 867691 реестр рақами билан рўйхатга олинган «MIRASIDOVA - MALIKA» масъулияти чекланган жамияти (қискартирилган номи: «MIRASIDOVA - MALIKA» МЧЖ) жамият таъсисчиларининг 2021 йил 26 апрелдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча эътирозлар газетода эълон чоп этилгач, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Т.Зеҳний кўчаси, 5-йўлак, 116-уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 307537282.

Жомбой туманидаги «JOMBOY AGRO OIL» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 304187144) ўз устав фондиди камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетода эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Жомбой тумани Жомбой шаҳарчаси, Пионер кўчаси, 4-уй.

Самарқанд шаҳридаги «PLASTIK STROY MONTAJ SERVIS» хусусий корхонаси (СТИР: 300077118) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «PLASTIK STROY MONTAJ SERVIS» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиради. «PLASTIK STROY MONTAJ SERVIS» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вилани ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетода эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота маскани, 5-уй.

Пайариқ туманидаги «USH SABINA» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 204605338) ўз устав фондиди 13 420 000 (ўн уч миллион тўрт юз йигирма) сўндан 1 420 000 (бир миллион тўрт юз йигирма) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билди-

риландиган барча даъволар газетода эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Пайариқ туман Навбаҳор маҳалласи.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Исаккулова Ниғора Турдикуловна нотариал идорасида марҳум Эрназаров Нарзулло Гадоевичга (2018 йил 14 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исаккулова Ниғора Турдикуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Халикулов Шакарга (2020 йил 28 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ
Нарпай туманидаги 57-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Юлдашев Шохруз Толибжон ўғли номига берилган У № 5367655 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 17-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Худойбаҳшов Шохрўз Худойбаҳшович номига берилган У № 1866496 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги "SAM OTABEK CARIS SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (СТИР: 308170923) думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд қишлоқ ҳўжалик коллежидан 2006 йилда Суярова Гулноза Амоновна номига берилган рўйхат рақами 123473, Т № 254195 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Пайариқ туманидаги 81-умумий ўрта таълим мактабидан 2015 йилда Утамуродов Рустам Тоҳир ўғли номига берилган У № 6923215 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Оқдарё туманидаги 6-ўрта мактабдан 2002 йилда Бухаров Уткир Анварович номига берилган О'Р-З № 1250344 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги Хўжа Ахрори Вали маҳалла фуқаролар йиғинининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд шаҳридаги 50-умумий ўрта таълим мактабидан 2005 йилда Ашурова (Каримова) Нафиса Илхомовна номига берилган У № 1691273 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ургут туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабидан 2012 йилда Тўйчиева Шохсанам Бобоназар қизи номига берилган У № 5394739 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой информатика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидан 2016 йилда Қудратов Умиджон Озодбой ўғли номига берилган К № 4262222 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси **Ҳасан НОРМУДОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

Самарқанд давлат чет тиллар институти ректорати ва қасаба уюшма кўмитаси институти роман-герман тиллари факультети француз тили фани ўқитувчиси

Лазиз СИДДИҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изхор этади.

Ўқитувчи аттестацияни қандай...

«ҲАЗМ ҚИЛЯПТИ»

Мақтаб ўқитувчилари шу пайтгача ҳар 5 йилда аттестациядан ўтказиларди ва буни вилоят халқ таълими бошқармаси назорат қиларди.

Ўқитувчиларда компьютерни билиш саводхонлиги етарли эмас.

Ўқитувчиларнинг айтишича, интернетда тарқалган саволларнинг кўпи бошқа фанлардан тушган эмиш.

Авваллари аттестация имтиҳони компьютерда олинмасди, бизга саволлар қоғозда чиқариб бериларди.

Таълим тизимида аттестация жараёнини соддалаштириш ва адолатли ўтказиш мақсадида янги тартиб жорий этилди.

У ерга бегона киши киритилмайди, педагогларнинг шахсини тасдиқловчи паспорти текширилиб, қўл телефони ва шпартгалкаси имтиҳонга киритилапти.

Ўқитувчи компьютерга мактаби ва исми-фамилиясини киритганидан сўнг саволлар кетма-кет тарзда экранда намоён бўлади.

Шунингдек, педагог ходимларга барча малака тоифаларини бериш, талабгорларни аттестациядан ўтказиш соддалаштирилди.

Шунингдек, педагог ходимларга барча малака тоифаларни бериш, талабгорларни аттестациядан ўтказиш соддалаштирилди.

Ҳўш, бугун жойларда педагогларни аттестациядан ўтказиш жараёни қандай кечяпти? Ҳақиқатда адолатли тизим жорий этилдими?

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.

Айни кўнларда Самарқандда вилоятда педагоглар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилмоқда.



Қадим Самарқанднинг Кўҳна Гузарлари

Тарих илмидан беҳабарлик кўп ҳолларда тахмин таваққалга асосланган афсоналарнинг пайдоси бўлишига сабаб бўлади.

Яқинда бир даврада қизгин баҳснинг устидан чиқиб қолдим. Тортишув мавзуси Самарқанд қадимийроқми ёки Ургутми, деган савол атрофида кетаётган экан.

Ушбу даврада яшаган шоир Сайидо Насафий бу ҳақда қуйидаги байтди битганди: Самарқанд як кўчаи қоқ шуд, Бухоро тали Хожа Исҳоқ шуд.

Яъни: Самарқанд бир бўш кўчадан, Бухоро Хожа Исҳоқ тепалигидан иборат бўлиб қолди.

«Самарқанднинг ҳозирдаги ободонлиги, – дея давом этади Садриддин Айний – ҳ.1195/м. 1780 йили, яъни Шомуродбийнинг беқлигидан бошлонган бўлиб, 1215/1809 йилда, яъни Шомурод ҳукуматининг охириги йилда бир шахар йўсунига киргузилди.

кетирилган (оқ уйли этилган) кишиларни шу гузарларда ўрнашурди».

«Оқ уйли» кишилар дейилганда, ўша давр жамиятининг зиёли, уста ва ҳўнармандлардан иборат имтиёзли қатлами тушуниланган.

Ҳақиқатан ҳам Ёмини, Зомини, Ургут, Маҳдуми Хоразми, Даҳбеда, Бухори, Қўқанди, Гиждувони, Қашқари, Хавоси, Хўжанди, Тошқанди, Шаҳрисабзи, Андижони, Ўрмитани, Урганжи сингари Самарқанднинг эски гузарлари номига эътибор берсангиз, у ёки бу маҳаллардаги кишилар асли қаерлик экани маълум бўлади.

«Тарихи Ҳумулий»да баён қилинишича, ўша давр учун одатий бўлган уруш-босқинлар оқибатида Самарқанд XVIII аср ўрталарида батамом вайронга айланиб, шахар хувиллаб қолади.

Шу маънода, XVIII аср охиридаги энг қудратли Бухоро амирларидан бири Шомуродни бугунги Самарқанднинг асосчиси деб бемалол айтса бўлади.

Қадимий ва навқирон шахримиз тарихи билан қизиқувчи газетхонлар Самарқанднинг кўҳна маҳаллалари ҳақидаги батафсил маълумотни тарихчи олим М.Абрамовнинг 1989 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Самарқанд гузарлари» («Гузары Самарқанда») китобидан ҳам билиб олишлари мумкин.

Энди Ургут қадимийроқми ёки Самарқандми деган баҳсга келадиган бўлсак, она юртимиздаги ҳар бир кентнинг тарихи минг-минг йиллар бағрига туташиб кетган.

Ҳудойберди КОМИЛОВ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.

Матбуот саҳифаларидан бир шингил

Тўй ўтказиб бериш ҳам савоб

Туманимиздаги «Меҳр-саховат Ургут» жамоат фонди ташаббускорлари А.Нурмухаммедов ва Ж.Азиев рамазон ойларида савоб ишга қўл урди.

50 нафар каттаминглик ишли бўлди


Каттаминг қишлоғида шифер ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хитой ускунаси асосида ишга тушган «Kattaqo'rg'on shifer» МЧЖ корхонасида 50 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Чолғу асбоблари тарқатилди

Тумандаги 47 та мактабга мусиқа чолғу асбоблари тарқатилди. Бунинг учун маҳаллий бюджетдан 75 миллион сўм маблағ ажратилди.

«Баҳор янглиғ беғубор қалб»

Оташқалб журналист ҳаётини қисқача «Зарафшон» газетасининг собиқ ходими, оқдарилик журналисти Жамол Турсуновнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги хотиралар битилган.



Журналист Абдурасул Сатторов нашрга тайёрлаган ушбу мўъжаз китобдан Жамол Турсуновнинг ижод намуналари, яқинлари, дўстлари, ҳамкасблари ҳамда шогирдларининг дил сўзлари ҳам ўрин олган.

Китоб саҳифасида шундай сўзлар ёзилган: «Жамол Турсунов билимдон, талабчан, тартиб-интизомни ҳўш кўрадиган, унга ўзи ҳам доимий амал қиладиган, маънавиятли, маданиятли инсон эди.



Mustaqillik Yillari Samarqandda

2003 йил, апрель

Самарқанд шаҳрида сайёҳлик инфраструктурасини юксалтириш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш билан шуғулланувчи «ZARAFSHON-PARISA» хорижий корхонаси фаолият бошлади.

21 апрель куни вилоят ҳокими Ш.Мирзиёевнинг қарорига кўра, Мамашарип Абдуллаев Каттақўрғон тумани ҳокими этиб тайинланди.

май

1 май куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра, Зойир Мирзаев Жомбой тумани ҳокими этиб тайинланди.

Вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев «Шарқ тароналари» IV халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёрлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди.

18 май куни Италия ташқи ишлар вазирининг ўринбосари М.Бонивер бошчилигидаги делегация Самарқандда бўлди.

Вилоятда 1181 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда.

июнь

Иштихон туманининг Бойлиота, Оқтепа, Деҳқон-обод қишлоқларида 6 километр масофада газ қувири ўтказилди.

Вилоятда 28 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда.

Шу давргача Украинага Самарқандда ишлаб чиқарилган 160 дан зиёд турли русумдаги автомобиллар экспорт қилинган.

Самарқанд давлат чет тиллар институтида Жаңувилий Кореянинг таълим муассасалари билан шуғулланувчи «Коика» ташкилотининг ваколатхонаси очилди.

Нарпай туманида 123 та қишлоқ, 56 та маҳалла мавжуд; 68 та умумтаълим мактабида 39 минг 400 нафар ўқувчи тахсил олмақда; мева-сабзавотни қайта ишлайдиган учта «Афросиёмева» Ўзбекистон-АҚШ, Италиянинг «Адженитернейшл», «Дуба» қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

июль

Каттақўрғон туманида америкалик ишибилармонлар билан ҳамкорликда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, хорижга экспорт қилувчи «Каттақўрғонмева» қўшма корхонаси иш бошлади.

Вилоятда 306 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Zarafshon Samarqandskiy Vestnik logo and info.

MUASSIS: Zarafshon va Samarqandskiy Vestnik info.

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV info.

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56 info.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: G.MO'MINOVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV info.

ISSN-201667X, 9 772 010 667 009 barcode and ISSN info.